

Электрон тижорат

05:00 / 17.02.2017 3271

Электрон тижорати деганда у товар ва хизматларни интернет тармоғи орқали амалга ошириш тушунилади. У компьютер, тармоқ, дастур ва электрон сайтдан иборат. Компютерга баёноتلарни киритилади, муолажа қилиш, намойиш этиш ва уни қайтариш каби ишлар амалга оширилади. Тармоқ маълумотлар олиш имконини берса, дастур эса мажбуриятларни алмашинувини бажаради. Электрон сайт товар ва хизматларни намойиш қилиб, уни имкониятларини кўрсатади. Электрон тижорат жуда оммавий тарқалган бўлиб, унинг хусусият ва огоҳ бўладиган томонлари бор.

Хусусиятларидан: Технология асрида янги маълумотлардан воқиф бўлиш, бутун дунё бозорига чегарасиз ва қаршиликсиз кириб бориш, ҳамда тижорий фаолиятни тез ва осон шаклда амалга оширишдан иборатдир. АҚШда электрон тижорат бошқармаси хусусий секталарга бўйсунди. Аммо ҳукумат ҳар хил ғов-тўсиқ ҳамда солиқларни қўйишдан четланмоғи даркор. Шунингдек фикр мулкчилиги, хусусияти, тизим маълумотларининг хавфсизлиги, келишмовчиликларда ечимни тезлаштириш, электрон битим ҳужжатларини лозим бўлганича расмийлаштириш ва исбот қабулидаги меъёрларни қўйиш лозим бўлади.

Ушбу электрон битим узоқдан туриб, икки бир-бирини танимайдиган киши орасида тузилиши билан бошқа савдолардан ажралиб туради. Кўпинча икки битим тузувчи бошқа-бошқа давлатда туради. Шу нуқтада савол туғилади. Борди-ю, қонунлари хилма-хил бўлган икки давлатдаги икки давлат фуқароси ўртасида битим тузилса, ўрталарида келишмовчилик чиқиб қолса қандай қилиб ҳукм чиқарилади? Электрон шартномани ҳужжатларини қай даражада исботланади? Хусусан маълумот алдови, ҳийла, қалбакилаштириш ва бошқа компьютер ва интернетга тааллуқли жиноятлар ўсиб бораётган бир пайтда!

Қандай қилиб муаллифлик ва ихтиро ҳуқуқларини ҳимоя қилинади?

Доим ихтиролар қонунлардан олдин бўлади. Лекин қонун ана шу ихтироларни ҳимоя қилиши зарур. Шак йўқки, электрон тижорати тушунчаси лойиқ ва ҳаммага мақул қонунларни чиқарилишига ёрдам беради.